

**МАҲМУДОВ Муҳаммадисмоил  
Муҳитдинович,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети «Иқтисодиёт»  
факультети (PhD) таянч докторанти

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ МИНТАҚА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

УДК 338.484.2

## **МАХМУДОВ М.М. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ МИНТАҚА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

Мақолада Андижон вилоятининг туристик салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳамда уларнинг ечимларига қаратилган чора-тадбирлар ёритилган. Шу билан бирга тадқиқотда туристик ресурсларнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли бандлигида туризмнинг аҳамияти, вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар ҳамда туристик фирма ва меҳмонхоналарнинг фаолияти таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: минтақа, ўсиш қутблари, туристик оҳанграбо, монументал санъат объектлари, муқаддас қадамжолар, зиёрат туризми, тарихий ва архитектура обидалари, рекреация ҳамда экотуристлик объектлар, бизнес туризм, этнографик туризм, тиббий туризм.

## **МАХМУДОВ М.М. ТУРИСТИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ РЕГИОНА**

В статье освещены туристический потенциал Андижанской области и проблемы его эффективного использования, а также меры, направленные на их решение. Вместе с этим, в исследовании проведён анализ территориального размещения туристических ресурсов, значение туризма в отраслях экономики и занятости населения, туристов и туристических фирм, посещающих область, и деятельности гостиниц.

Ключевые слова: регион, объекты монументального искусства, святыни, религиозный туризм, исторические и архитектурные памятники, объекты экотуризма и рекреации, бизнес туризм, этнографический туризм, медицинский туризм.

## **MAHMUDOV M.M. TOURISM POTENTIAL OF ANDIJAN REGION AND ITS IMPACT TO THE REGION'S DEVELOPMENT**

The article highlights the tourist potential of Andijan region and the problems of its effective use, as well as measures aimed to these solution. At the same time, the study analyzes the territorial location of tourist resources, the importance of tourism for the economic and population employment, tourists and tourist companies visiting the region as well hotels activities.

Keywords: objects of monumental art, shrines, religious tourism, historical and architectural monuments, objects of ecotourism and recreation, business tourism, ethnographic tourism, medical tourism.

Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон фармони, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 137-сон қарорининг қабул қилиниши туризм мамлакат иқтисодиёти учун нақадар муҳим ва долзарб соҳа эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Шу боис, бугунги кунда иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида туризмни ўрганиш ва ривожлантириш асосий мақсад бўлиб қолмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, минтақа туристик салоҳиятини тадқиқ қилиш, вилоятда туризмга ихтисослаштириш мумкин бўлган туманларни аниқлаш, ҳудудда соҳанинг қайси турларини ривожлантириш мумкинлигини ўрганиш, сайёҳлар оқимини туманлар кесимида ва йиллар бўйича таҳлил қилиш каби вазифалар белгилаб олинди. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Андижон вилояти тадқиқот объекти сифатида олинган бўлиб, унда вилоятнинг туристик салоҳияти ўрганилди.

Мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган Андижон вилояти Ўзбекистоннинг «шарқий дарвозаси» ҳисобланади. Вилоят Фарғона ва Олой тоғ тизмалари оралиғида, Қорадарё ҳавзасида, Фарғона иқтисодий туманининг шарқида жойлашган. Андижон вилояти қадимий Буюк ипак йўлининг Қошғар–Ўш–Қўқон–Тошкент йўналишидан ўрин эгаллаган. Ҳудуднинг географик ўрнининг бундай қулайлиги яқин келажакда вилоятнинг туризм бозорини нафақат Фарғона водийсидан, балки қўшни Қирғизистон, қолаверса Хитой ва Тожикистондан сайёҳлар билан ҳам тўйинтириш имконини беради.

Вилоятда аҳоли бандлиги асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, санъат, спорт каби соҳаларга тўғри келади. Андижон вилоятида аҳоли зичлигининг юқорилиги ҳамда қадимдан ўтроқ ҳаёт кечириши вилоятда туризмнинг бир неча турларининг ривожланишига замин яратади. Хусусан, вилоятда археологик туризм, зиёрат туризми, тарихий ва архитектура обидалари, агротуризм, бизнес туризм, этнографик туризм, тиббий туризм, гастрономик туризм каби йўналишларни ривож-

лантириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланганлиги келаятган туристларда янада катта қизиқиш уйғотади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, вилоятда аҳоли сони 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 3011687 киши бўлиб, бу кўрсаткич республика аҳолисининг 9,2%ини ташкил қилади<sup>1</sup>. Аҳоли зичлиги бўйича эса 1 км кв га 717 киши тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, вилоятни ўзида ички туризмни ривожлантириш учун етарлича истеъмолчи топилади. Бу учун фақат маҳаллий туризмнинг ташкилий асосларини яратиш талаб этилади.

Мамлакатда жами 7300дан ортиқ маданий мерос объектлари бўлса, шундан 4300дан ортиғи археологик объектлар ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда маҳаллий, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган 370дан ортиқ туристик объект мавжуд. Улар асосан диний, археологик, тарихий обида ва ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар, музейлар, рекреация ҳамда экотуристтик объектлар ҳисобланади.


Андижон вилоятининг туристик салоҳияти таркибида монументал санъат объектлари 33 фоизни ҳамда архитектура ёдгорликларининг улуши 32 фоизни ташкил қилмоқда. Шу билан бир қаторда вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун археологик туризмни ҳам таклиф қилиш учун етарлича ёдгорликлар мавжуд (1-расм).

Андижон Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби кўҳна шаҳарлари қаторида кўплаб тарихий, маданий, табиий ёдгорликларга эга бўлган Шарқнинг машҳур шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бироқ вилоятда тарихий-меъморий обидаларни шу кунгача тўлиқ сақланиб қолмагани ва туризмнинг юқоридаги шаҳарлар каби жадал ривожланиб кетмаганлигига баъзи бир сабаблар бор. Улардан бири Андижон вилояти 9 баллик сейсмик фаол зонада жойлашганлигидир. Вилоятда 1902, 1903, 1947, 1992 йилларда кузатилган 8-9 баллик zilzilalar кўплаб тарихий ва меъморий обидаларнинг вайрон бўлишига сабаб бўлган.

Мингтепа, Далварзинтепа, Эйлатон археологик ёдгорликлари ҳамда Андижон шаҳридаги Сарвонтепа, Чордона, Арк ичи, Шаҳристон каби тарихий мавзеларида аниқланган археологик топилмалар, Хитой йилномаларида қайд этилган ёзма манбалар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь., Тошкент, 2018. -146-б.

1-расм. Андижон вилоятидаги туристлар ташриф буюриши мумкин бўлган маданий мерос объектлари таркиби<sup>1</sup>.



бундан 2,5 минг йил олдин ҳозирги Андижон шаҳри ҳудудида шаҳарсозлик маданияти вужудга келганлиги ва ривожланганлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>.

Андижон вилоятида археологик туризмни ривожлантириш учун ҳам етарлича объектлар мавжуд. Улардан бири Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Марҳамат туманидаги мил. ав. IV-милоднинг IV-V асрларга оид қадимги Довон давлатининг пойтахти Эрши шаҳри қолдиқлари бўлган Мингтепа археологик ёдгорлигидир. Ҳозирги кунда бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти ва Хитой Фанлар Академияси Археология институти мутахассилари томонидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Худди шундай Андижон шаҳридан 20 км узоқликдаги Избоскан туманида миллоддан аввалги VII-VI-III асрларга оид Эйлатон (халқ орасида шаҳри Хойбор) археологик ёдгорлиги ҳам кўплаб хорижлик сайёҳлар эътиборини тортади. Ёдгорликнинг ташқи девор билан ўралган қисми 200 гектарни, ички девор билан ҳимояланган қисми 20 гектарни ташкил этади<sup>3</sup>. Шуниндек, Андижон шаҳрининг Эски шаҳар қисмидаги Сарбонтепа (мил. авв. VI-IV асрлар), Култепа, Жалолқудуқ тумани, Ойим қишлоғида жойлашган Далварзинтепа (мил.авв. XII-VIII асрлар), Булоқбоши туманидаги Тоштепа ва Шўрабашот каби қадимий шаҳар

қолдиқлари вилоят туристик салоҳиятининг жозибдорлигини янада оширади.

Андижон вилоятида асосий архитектура ёдгорликлари Андижон шаҳрида - 21,2%, Хонобод шаҳрида - 15,2%, Балиқчи туманида - 9,1%, Избоскан туманида - 8,3%, Шаҳрихон туманида 7,6% сақланиб қолган. Биргина Андижон шаҳрининг ўзида Мирпўстин-ота мақбараси, Ганчтепа, Дево-набой масжиди, Дувохон масжиди, Жомеъ мажмуаси, Аҳмадбек хожи меҳмонхонаси, Уйғур масжиди, Хожар Ноиб мадрасаси, Қилич Бурҳонидин ота мазори каби тарихий-меъморий обидаларни маҳаллий ва халқаро туристларга таништириш мумкин. Бироқ бу архитектура ёдгорликлари биз юқорида қиёслаган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туристик объектлар каби Андижон шаҳрининг маълум бир қисмида комплекс жойлашмаган (2-расм).

Агар туманлар кесимида ўрганиладиган бўлса, Хонобод шаҳридаги Фозилмон-ота, Қўрғонтепа туманидаги Бибисешанба, Юнус пайғамбар, Жалақудуқ туманидаги Қутайба ибн Муслим, Хўжаобод туманидаги Имомота, Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ, Асака туманидаги Пистамозор, Марҳамат туманидаги Бобохуросон, Балиқчи туманидаги Уч булоқ, Тузлуқбуви, Избоскан туманидаги Хўжа Қамбар-ота, Андижон туманидаги Меҳмони Валий, Пахтаобод туманидаги Кўктўнлик ота, Отақўзи мадрасаси<sup>4</sup> каби зиёратгоҳларни санаб ўтиш мумкин. Бу зиёратгоҳлар маданий мерос сифатида рўйхатга олинган бўлиб, давлат муҳофазасига олинган. Улар ўз хусусиятига кўра маҳаллий, республика ва халқаро аҳамият


<sup>1</sup> Мамажонов М. Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга асос бўладиган маъданий ва тарихий ёдгорликлар. География ва глобализация: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Андижон, 2018. -560-б.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. - Т.: «Sharq», 2013. -22-б.

<sup>3</sup> Матбобоев Б.Х., Машрапов З.З. Андижон тарихи., - Т., 2014. -20-21-б.

<sup>4</sup> Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Иўл кўрсаткич.- Т.: «Ўзбекистон», 1986. -46-55-б.

2-расм. Андижон вилояти туризмнинг ривожланишида асосий роль ўйнайдиган маданий мерос объектларининг туманлар кесимидаги улуши<sup>1</sup>.



касб этади. Шу боис бу туристик объектларга нафақат маҳаллий ёки республикадан, балки қўшни Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистондан, шунингдек, Россия, Хитой, Туркия, Германия, Малайзия ва Индонезия каби мамкалалардан ҳам зиёратчилар ташриф буюрмоқда. Баъзи туристик объектлар оралиғидаги масофа узоқлиги бир мунча сезилади. Шунинг ҳисобга олиб, туристлар зеркиб ёки толиқиб қолмасликлари учун дастур таркибига археологик, экотуристтик, этнографик, миллий ҳунармандчилик, гастрономик, рекреация объектларини киритиш орқали аралаш турларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Андижон вилоятига 2015 йилда туристик фирмалар орқали ташриф буюрган жами туристлар сони 6581 нафарни ташкил қилган бўлиб, шундан 2257 нафари хорижлик сайёҳлар ҳиссасига тўғри келган. Ҳақиқатан ҳам икки йил мобайнида мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган талайгина қарор ва фармонлар қабул қилиниши натижасида вилоятда ҳам туристлар оқими бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилди (1-жадвал).

2016 йилда вилоятга ташриф буюрувчилар жами 9511 кишини ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 30376 нафарга етди. Жадвал

<sup>1</sup> Мамажонов М. Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга асос бўладиган маданий ва тарихий ёдгорликлар. География ва глобализация: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Андижон. 2018. -560-561-б.

маълумотларининг таҳлили шунини кўрсатадики, Андижон вилоятида мавжуд туристик имкониятлардан етарлича фойдаланилмайди. Мазкур маълумотлар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Андижон шаҳрига 2015 йилда 2678 нафар, 2016 йилда эса 5036 нафар турист ташриф буюргани кузатилади. Айниқса, 2017 йилда бу рақамлар кескин кўтарилиб, 17072 кишига етган. Туристларнинг ташрифи бўйича сўнги йилда Жалақудуқ туманига 2195 нафар, Марҳамат туманига 1567 нафар, Хўжаобод туманига 1054 нафар, Андижон туманига 922 нафар, Шаҳрихон туманига 902 нафар сайёҳ ташриф буюрганини кўриш мумкин. Жами келганларнинг 2015 йилда 34%, 2016 йилда 33%, 2017 йилда эса 55% хорижлик туристлар эканлиги эътиборни тортади. Хорижлик сайёҳлар улушининг кескин ортишига қўшни мамлакатлар билан чегара, божхона ва виза тизимидаги ижобий ўзгаришлар сабаб бўлмоқда.

Вилоят аҳолисининг меҳмондўстлиги, шинавандалиги, сайр-саёҳатни ҳуш кўришини ҳисобга олган ҳолда, вилоят туманлари ва Фарғона водийси, ҳатто бутун республика бўйлаб экскурсия ва зиёратларни амалга оширишларини таъкидлаб ўтиш зарур. Бироқ, мазкур 1-2 ёки 4-5 кунлик саёҳатлар маҳаллий аҳоли томонидан мустақил равишда, туристик фирмаларга мурожаат қилмасдан амалга оширилгани туфайли, улар маҳаллий туристлар сифатида эътироф этилмайди. Вило

**1-жадвал. Андижон вилоятига 2015-2017 йилларда туристик фирмалар орқали ташриф буюрган сайёҳлар ҳақида маълумот<sup>1</sup>.**

№	Туман ва шаҳар номи	2015 йил		2016 йил		2017 йил	
		Хорижий	Маҳаллий	Хорижий	Маҳаллий	Хорижий	Маҳаллий
1	Андижон	39	248	14	252	562	360
2	Асака	22	412	12	524	199	512
3	Балиқчи	35	163	41	187	48	747
4	Булоқбоши	128	256	143	358	113	464
5	Бўз	5	47		61	112	228
6	Избоскан	11	38	16	43	117	315
7	Жалақудуқ	265	378	281	453	945	1250
8	Қўрғонтепа	46	81	16	105		254
9	Марҳамат	564	124	593	139	939	628
10	Олтинқўл	14	42	12	55	158	134
11	Пахтаобод	21	36	14	48	31	226
12	Улуғнор	18	148	12	188	43	2695
13	Хўжаобод	34	365	41	417	406	648
14	Шаҳрихон	16	51	11	64	254	648
15	Андижон ш.	1027	1651	1908	3128	12958	4114
16	Хонобод ш.	12	284	10	365	49	219
Жами		2257	4324	3124	6387	16934	13442

ятга ташриф буюрувчи маҳаллий туристлар асосан Андижон шаҳри, Хўжаобод, Булоқбоши, Жалақудуқ, Марҳамат, Асака, Шаҳрихон туманларидаги табиий, рекреация, диний, археологик ва архитектура ёдгорликларини<sup>2</sup> зиёрат қилиш учун келишади. Истиқболда вилоятга келувчи туристлар миқдорини оширишда энг аввало уларга хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда муассасаларни сон ва сифат жиҳатидан яхшилашга эътибор қаратиш зарур.

Бугунги кунда вилоятда туристик фаолият билан шуғулланувчи корхоналар сони жами 29 та бўлиб, шундан 11 таси туристик фирма, 18 таси эса меҳмонхона ҳисобланади. Жойлаштириш воситалари асосан Андижон шаҳрида бўлиб, улар Andijon Elita, Andijon Mobile, «Андижон», «Андижон уммон шамс», «Андижонтурист», «Азиза Аслбек-люкс», Beminnat fayz, Bogishamol gavhari, «Гулсум», «Имкон шифо маскани», Plaza, Plaza Palace, Partner Business Group, «Орион техно люкс», Olimpik, «Мадор», Monferan klassik, Valisher Luxe, Vella Elegant<sup>3</sup> каби меҳмонхоналардир. Вилоятга келувчи сайёҳлар сонини кўпайтиришда маҳаллий

туристик фирмалар фаоллигини янада жонлантириш муҳим аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда вилоятга кириб келаётган хорижлик туристлар Фарғона, Қўқон ва Марғилондаги туристик фирмалар орқали 1 ёки 2 кунга жалб этилади. Ваҳоланки, вилоятдаги аксарият туристик фирмалар туристларни импорт қилиш билан эмас, балки уларни экспорт қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Андижон вилоятининг туристик салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар тавсия этилади. Ҳозирги кунга қадар Андижон вилоятида туризм соҳасининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- вилоят мамлакатнинг энг шарқий қисмида жойлашганлиги, Қамчиқ давонидан хавфсизлик нуқтаи назаридан автобус ҳамда микроавтобусларда ҳаракатланишга рухсат йўқлиги сабабли темир йўл ва авиачипталар нархи юқори эканлиги;

- Қирғизистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий вазиятлар, чегара билан боғлиқ муаммолар;

- чегара ҳудудлари бўлган Хонобод шаҳри, Қўрғонтепа, Жалақудуқ ҳамда Хўжаобод туманларидаги қатъий назорат постлари, уларда ўрнатилган паспорт режими маҳаллий ва халқаро туристларнинг эркин ҳаракатланишига жиддий тўсқинликлар туғдирди;

<sup>1</sup> Жадвал Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Андижон вилояти Ўлкашунослик атласи. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурлари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси», 2015. -50-51-б.

<sup>3</sup> www.uzbektourism.uz

– туристик объектларнинг комплекс ҳолда жойлашмаганлиги, объектлар орасидаги масофанинг узоқлиги, реконструкция қилинмаганлиги ёки ободонлаштириш ишларининг олиб борилмаганлиги туризм билан шуғулланувчиларда «Андижон туризмга ихтисослашмаган вилоят» тушунчасини ўйотган;

– туманларда туристик инфраструктуранинг талабга жавоб бермаслиги, уюлмаган сайёҳларнинг кўплиги, сайёҳлик дастурлари ва маршрутлар ишлаб чиқилмаганлиги, кадрлар масаласидаги муаммолар соҳа ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Юқорида билдирилган хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

– вилоят туристик салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда сайёҳлик соҳасидаги «Ўсиш қутблари»ни белгилаб олиш ва уларга алоҳида эътибор қаратиш лозим (масалан, Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Имом ота ҳамда Ширмонбулоқ каби туристик зоналар);

– вилоятга сайёҳларни жалб қилувчи энг асосий «Туристлик оҳанграбо» Марказий Осиёга Ислом динини олиб кирган Қутайба ибн Муслим (660-715) зиёратгоҳидир<sup>1</sup>. Зиёратгоҳ ҳукумат даражасида эътибор қаратилишига муҳтож. Мақбарани Зангиота, Имом ал-Бухорий, Ал Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳлари каби ҳолатга олиб келиш ва зарурий инфраструктуранинг яратиш орқали вилоятга минглаб сайёҳларни жалб этиш мумкин;

– туристик салоҳиятни намойиш қилувчи реклама, видеороликлар ҳамда телекўрсатувлар тайёрлаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Медиатурларни ташкил қилиш, интернет сайтларини яратиш, туристик объектлар буклетлари, туристик объектларга бошловчи йўл белгилари, карталар ҳамда кўргазмаларни воситаларни тайёрлаш зарур;

– Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти бўлими фаолиятини такомиллаштириш, вилоят ёки Фарғона водийсида соҳа билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

– вилоят хусусияти ҳамда имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Андижон вилоятида Туризмни ривожлантиришнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш, GM Uzbekistan Асака автомобиль заводи ва Андижон сув омборида хавфсизлик чораларини ҳисобга олган ҳолда махсус турларни ташкил этиш, водий халқининг тадбиркорлигини инobatга олиб бошқа вилоят ишбилармонлари ва қизиқувчилар учун бизнес туризм ва агротуризм бўйича дастурлар таклиф қилиш, сайёҳларга бир неча туризм турларини ўзида қамраб олган «Аралаш маршрутлар»ни тавсия қилиш;

– Қирғизистон Республикасидан келувчи туристлар сонини оширишга эришиш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ва бошқалар.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Йўл кўрсаткич. - Т.: «Ўзбекистон», 1986. -46-55-б.
2. Андижон вилояти Ўлкашунослик атласи. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси», 2015. -50-51-б.
3. Мамажонов М. Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга асос бўладиган маъданлар ва тарихий ёдгорликлар. География ва глобализация: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Андижон, 2018. -560-561-б.
4. Матбобоев Б.Х., Машрапов З.З., Андижон тарихи. – Т., 2014.
5. Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: «Sharq», 2013. –592-б.
6. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь. – Т.: 2018. -146-б.
7. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари. 2018 йил.
8. www.uzbektourism.uz

<sup>1</sup> Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. – Т., 2014. -191-192-б.